

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ


**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

3-2021

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год



АДЛАБИЁТШУНОСЛИК

А.Акбаров Хайнрих Ҳайне ва аёллар.....	94
Г.Орипова Ўзбек шеъриятида ижорий лирика тарихи ва тадрижи.....	101
О.Барзиев Фарғона номи билан боғлиқ анъанавий поэтик турқумлар.....	108
Д.Турдалиев Ўзбек достончилик санъатининг ўзига хос хусусиятлари.....	114
Ю.Каримова “Лисонут-тайр” достонида бадий тасвир усуллари ва ифода воситалари.....	123
Д. Муратова XX аср ўзбек ва корейс ҳикояларида ота-она ва фарзанд муносабатларида оиласий қадриятлар тасвири.....	127

ТИЛШУНОСЛИК

А.Мамажонов, А.Саминов Сўз бирикмаси қисмларида семантик мутаносиблик ва номутаносиблик.....	133
М.Мамажонов Диалогик дискурсда антропонимларнинг коммуникатив-функционал хусусиятларига доир.....	138
Р.Ахророва Ўзбек ва француз тилларида эрта ёшлик “jeunesse”нинг лексик-семантик ифодаланиши.....	144
Х.Қодирова Хоразм шеваларида ўзлашма сўзлар асосида шаклланган айрим лақаблар.....	148
Х.Дўсматов Ўзбек миллий сўз ўйинлари турлари ва талқини.....	152
Ш.Шокиров, Д.Қозоқбоева Инглиз тилида “ear – қулоқ” семасига алоқадор бўлган сўзларнинг семантик хусусиятлари.....	159
Т.Яндашова Бадий матнда “ѓўзаллик” концептини ифодаловчи фонетик-фонологик воситалар лингвопозитикаси.....	163
Г.Тожиева Ўзбек тилининг изохли лугатларида маънавий-маърифий тушунчаларни ифодаловчи атов бирликларининг тавсифланиши.....	168
З.Раджабова Ўқув фразеографияси лексикографиянинг маҳсус бўлими сифатида.....	173

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

Х.Турсунов, Ю.Минаматов, И.Мўминов Замонавий таълимда компьютер ўйин элементларидан фойдаланишнинг педагогик муаммолари ва ечим тавсиялари.....	182
М.Каримова, З.Арипов, М.Оламова Педагог ва талаба ёшларнинг креативлик сифатларини ривожлантиришнинг омиллари ва усуллари.....	189
С.Умаров Талабалар мустақил ишларини ташкил этишнинг илмий-педагогик имкониятлари.....	193
С.Аъзамов Тўқимачилик ва енгил саноат соҳаси терминларини тартибга солиш.....	197

УДК: 811.512.133'.373.23*42

ТИШУНОСЛИК

ДИАЛОГИК ДИСКУРСДА АНТРОПОНИМЛАРНИНГ КОММУНИКАТИВ.
ФУНКЦИОНАЛ ХУСУСИЯТЛАРИГА ДОИР
О КОММУНИКАТИВНО-ФУНКЦИОНАЛЬНЫХ ОСОБЕННОСТЯХ АНТРОПОНИМОВ В
ДИАЛОГИЧЕСКОМ ДИСКУРСЕ
ABOUT COMMUNICATIVE-FUNCTIONAL FEATURES OF ANTROPONYMS IN
DIALOGICAL DISCOURSE

Мамажонов Муҳаммаджон Юсубжонович

Мамажонов Муҳаммаджон Юсубжонович

— Фаргона давлат университети, тишишукла кафедраси мудири, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Аннотация

Мақолада диалогик дискурсда антропонимларниң ўзига хос коммуникатив-функциональные особенности описаны.

Аннотация

В статье анализируются специфические коммуникативно-функциональные особенности антропонимов в диалогическом дискурсе.

Annotation

This article analyzes the specific communicative-functional features of anthroponyms in dialogic discourse.

Таянч сўз ва иборалар: диалогик дискурс, антропоним, нутк релевант, адресат, адресант, узбек мулокот хулки, мурожаат шакллари.

Ключевые слова и выражения: диалогический дискурс, антропоним, релевантность речи, адресат, адресант, узбекское коммуникативное поведение, формы обращения.

Key words and expressions: dialogic discourse, anthroponym, relevance of speech, addressee, Uzbek communicative behavior, forms of addressing.

Диалогик дискурсда унинг йўналишини белгилашда мулокот тизимининг фаол унсурлари бўлган адресат ва адресантнинг хусусияти, кайфияти, ментал табиати муҳим ўрин тутади. Зоро, улардан бири, яъни адресант коммуникатив таъсири вазифасини бажаришида ўз ташқи ва ички имкониятларини ишга солади. Айни пайтда таъсири қабул қилувчи ҳам унга мувофиқлашуви лозим бўлади. Шу маънода мулокот сифатини таъминлашда адресат ва адресантнинг ҳам ботиний, ҳам зоҳирий мувофиқлашуви, ментал характеристи мутаносиблиги муҳим аҳамият касб этади [1,150]. Диалогик дискурсда қатор омиллар мулокот сифати ва йўналишини белгилайди. Улар сирасига интенционал аниқлик, муайян натижавий мўлжал, мулокот аъланаларига риоя қилиш ва ҳоказоларни кўрсатиш мумкин.

Антропонимларда диалогик дискурс релевант сифатида мулокот иштирокчиларининг ким эканлий ижтимоий белгилари ва у ҳақдаги умуми маълумотлар кодланган бўлади. Масалан, буни Тоҳир Маликов «Шайтанат» романи қаҳрамонларни бири Зелихон мисолида олиб кўрайли. Зелихоннинг лақаби «академик эди. Бунга сабаб – у пухта ўйлаб ўтсан сўнг ишга киришарди. Бунга сабаб – у пухта ўйлаб ўтсан сўнг ишга киришарди. бўшқалардан фарқи – руҳиятни албатта, ҳисобга оғзи. Лозим бўлганда катта идорага бошқа бир идора бошлигидай бемашни кириб чиқаверарди. Эшик соқчига киборлик билан сўз ташлаб ўтирибсанми», деб кириб кетаберди. Элчин унинг бу «фазилати»ни шароити учрашганда билди. Бир куни Зелихон машинасини кириш мумкин кўчага бурди. Милиса таёғини кўпчилик

ОИЛУПОСЛИК
шундай чиб, тушмади. Милиса попаналаб
художничаши билан ойнани тушриб:
— Ха, туррабсанми, — деди. Милиса
— Лейтенант қани?
— Себироевми? — деди милиса
— Даам талмовасираб.
— Ха, ўша, нимаға паллаясан,
менинг кепиди?
— Ҳозир көлади.
— Менга учравсин.
Зелихон шундай деб машинани
түзганды. Милиса эса гарданини қашиб
көзберди.
— Себироев деганингиз ким? — деди
зелихон.
— Каёкдан биламан, — деди
зелихон кулиб. — Сенам милисага
ривазан лакма экансан-ку.
— Лейтенантлигини билдингиз-

0) Зелихон қаҳ-қаҳ отиб кулди:
— Буларда нима кўп, лейтенант
(Тохир Малик)
Бу ўринда лейтенант лавозими
жонникинг ўзиёқ милиционер учун раҳбар
жонникинг маъносини англатишни пайқаган
адресант ўз ниятига эриша олган, яъни
жонкорда психологик юқ олган сўздан
шундай релевант сифатида фойдалана
шонган.

Антрапонимлар иштирокидаги
жарусив муносабатлар кўп ҳолларда
шилларнинг жамиятда туттан ўрни ва
шундай берадиган баҳоси билан боғлиқ
булуб, бу, кўпинча, индивидуал
характерда бўлади, бадиий асарда
жонкорлар персонаж характерини
феворок очиб бериш учун бошқалар
жоннидан улар исмларининг
шундай хам фойдаланадилар.
Изсалан:

— Омонгинэмисиз, Кларабайча?
Балтиганингиз хушми, Кларабайча?
Балб-кулибгина юрибисизми,
Кларабайча?..

— Байча? Какая байча? — деди. —
Мен Клара Ҳоджаевнаман! (Тоғай Мурод).
Тоғай Муроднинг «Отамдан қолган
жонлар» асари қаҳрамони Клара
Ҳоджаевна Москвада таълим олиб, ўз
шундай унугтган шахс. Шунинг учун
улоҳаатига тушунмаган ёки ўзини

бундай аташларини истамаган (Изоҳ:
Сурхондар ўшесида абл қишиларга
нисбатан байча деб мурожаат қилиш ҳам
учрайди.)

Ёки:

— ... ойтапидой, «бизнига қўмлор»
яхши юрибдими, ўртоқ Қурбонов? — деди
— Мон бир амалдормидимки,
дипломим бормидики, «ўртоқ Қурбонов!»
дөйсиз? Эл қотори Зиёдулла кал, доя
беринг (Тоғай Мурод).

Тоғай Муроднинг «От қишинаган
оқшом» асаридан келтирилган юқоридаги
мисолларда асар бош қаҳрамони
Зиёдулла кал нутқидан олинган ўз-ўзига
мурожаат шакли орқали шахснинг
апоҳида хусусиятлари очиб берилган.
Матндан кўринадики, асар қаҳрамони
ўзига нисбатан ўртоқ Қурбонов деб
мурожаат этишларидан ноқулайлик
сезади. Чунки унинг ижтимоий
қарашларига кўра, амалдор ёки дипломи
бор қишиларга нисбатан шундай
мурожаат этилади. Унга Зиёдулла кал
мурожаат шакли қулай, чунки эл уни
шундай атайди.

Юқоридаги икки ҳолатнинг таҳлили
адресант ва адресат ўртасидаги
мулоқотда — дискурс жараённида
мурожаат шаклларининг ўзаро
фарқланиши, қандай омилларга
асосланиши антропонимларнинг
социолингвистик жиҳатлари юзасидан
холосалар чиқаришга хизмат қиласди.

Антрапонимлар таҳлили миллий
менталитетимизда уларнинг табу ва
эвфемизм каби нутқий ҳодисалар билан
боғлиқлигини кўрсатди. Маълумки,
«Лингвистик терминларнинг изоҳли
лугати»да мазкур атамалар қуйидагича
изоҳланади: Табу. Диний эътиқод, ирим,
кўркиш ва шу кабилар таъсирида маълум
сўзининг ишлатилишини чеклаш, ман этиш;
ишлатилиши шундай чекланган, ман
этилган сўз. Mac., рус тилида (овчилар
нутқида) медведь сўзи ишлатилмай, унинг
ўрнига хозяин, ломака, мохнат, лесник
сўзларининг кўлланиши, ўзбек тилида
чаён сўзи ишлатилмай, унинг ўрнига
эшак, оти йўқ сўзларининг кўлланиши
[2,86]. Бу мавзуда маҳсус тадқиқот
ўтказган А.Омонтурдиев ўз лугатида
қуйидагиларни ёзади: Табу (tabu, taboo,
taboo) сўзи Полинезиянинг Тонга тилидан

сөзлөнгөн бўлган. Ў – «ажратмисъ чегараламок», ўу – «бўтунчай, таоменз» сўзларинан ташнил тозган, юру – «тамоменз чегаралашган, ман этилган» деган мазъноласони ифодалайди. Унинг ахси ўзо – «адатий, умумистеъмлодат» мазъмоларини беради [3,4].

Табудаштиришган сўзлар ўринда кўплачиладиган, уни алмаштиришидан туғаслий бирлайлар эса зағемизм деб этилади. «Зағемизм» сўзи грекча «ευθέτο» сўзидан олинган бўлиб, «юшсоқ галжевинч». «муројим галираман» деган мазъмоларни анлатади» [3,4]. «Табу ва зағемизм ҳосисаси тиът ва тафаккурнинг пайдо бўлиши билан узбий шаклланган, тарзумий этан, ичсончиятнинг муомала эктиёни, нотијотик талаби асосида пойнинг ўзи изби зволюцион босхричларни босиб ўтган» [3,3].

Кўринации, табу маълум сўз ва иборалар кўлланилишини таърикласа, зағемизм ўтсан. Деган мазъноли сўз ўринда унинг маданийлашган вариантини кўллаш орқали нутқимизнинг янада пўзалроқ бўлишига қаратилгандир. Бундай таъриашни антропонимларда ҳам кўриш мумкин. Тилшунос олим Э.Бегизатовнинг «Номлар ва одамлар» номли рисоласида таъиудланишича, қадиқидан туркай халқларда кишининг исимига ҳурмат билан муносабатда бўлиш шахснинг ўзига нисбатан ҳам ҳурмат ва эктиром белгиси сифатида қабул қилинган. Бундай ҳурмат изҳор қилишнинг асосий йўли эса киши исмини айтиб чақирмасликдир. Шунга кўра, туркай халқларнинг кўпчилигинда ёшлар ўзидан катталарнинг, эр-хотинлар бир-бирларининг исмини айтиши мумкин эмаслиги ҳақидаги расм-русларнинг пайдо бўлган. Ўзбекларда, одатта кўра, ёш бола ўз ота-онасига, шунингдек, ўзидан катта ёшдаги қариндош-уругларига уларнинг исмини айтиб мурожаат қилмайди, балки исим ўринда ота, дада, буви, ойи, она, ола, ака, бобо сингари сўзлардан бирини юллайди [4,29]. Шу ўринда куйидаги ривоят ёдимизга тушади: «Абу Хурайра иккя кишини кўриб, улардан биттасига: «Бу киши сенга ким бўладилар?», – деб сўрадилар. У: «Бу киши отам бўладилар», – деган эди, Абу Хурайра: «Ундан бўлса,

отаннинг исмини айтиб чақирма, юндан олдин юрма ва ундан юзом кечи утирма», – деб насиҳат юлдилиз [4,29]. Хоразмда хотин эрим мурожаат одамлар аёлга нисбатан ёмон бўладилар. У келинчалик исламини бўшлаб эрининг исламини чакирмайди. Акс холда, у эрини паст кўрган хисобланади, исмининг ўрнига «бобоён», «уста», «ака», «бува» каби сўзлар иштатиш Айни пайтда эр ҳам хотининг чибъ «момой», «кампир» (агар куёв ўз бўлса ҳам) каби сўзларни қўллаиди.

Шунингдек, Хоразмда бобосига бўлган болаларга ўз отасига «ака», мурожаат қилиш ўргатилади, болалар «ота» деб чакирса бўлган ўз отасига, яъни бобосига ҳурматсизлиги деб бахалади.

Туркий халқларда ишенинг юн шахснинг ўзига нисбатан ҳурмат эхтиром белгиси сифатида қилинган. Бундай ҳурматни юн этишининг асосий йўли эса киши исмини айтиб чақирмасликдир. Яъни хотиннинг, хотин эса эрнинг исмини чакирмайди. Масалан, ўтмишда ўз ёз оиласарда ҳозир ҳам аёлнинг ўз ёз болаларидан бирортасининг (хўрса ўз фарзандининг) номи билан чақириши ўз ҳақда гапирганда «ўглимининг сези «қизимнинг дадаси», «хўжаликни «дадамиз» сингари иборалар» фойдаланиш кенг тарқалган.

Эркак хотини ҳақида гапирган «келинингиз», «қизингиз», «өтаки «коилам», «турмуш ўртогим» каби ёз ибораларни кўллаши одатий. Бундай ҳолат эр-хотиннинг бир-бирор бўлган ҳурматлари юзасидандир.

«Абдулла Қаҳҳор ўтла нозик маданиятили одам здилар. Мен! кишининг бирор маротаба аниб айтиб, баланд тоауш аниб чакирганларини эслолмайман. Бир ўчарга бориб қолсак, нукул: «Кимни қанисиз?» деб орқамдан юрар эншлар телелефонни биттаси у кишининг иши аниб бошқаси менинг столимда турар.

Уйдаги иккя телефонни биттаси у кишининг иши аниб бошқаси менинг столимда турар.

ДЛШНОСИК
Алар бирор зерурат түгилиб қолса,
«Хабибу» деб чакирмасдан, столдагы
телефоннинг галтагини айлантирада
жүлэр. «Лаббай!» деб төлефоннинг
жазусими күттарар эдим [6, 21].
Үтмишида баъзи чуваш оиласарида
буждай одатлар шу дараражага бориб
ептанки, айрим эр-хотинлар ҳатто бир-
бирларининг исмларини унугиб қўйган
холлар ҳам бўлган. Шахснинг отини тилга
олиш, ўзини бидириш адабсизлик ёки
шахснинг отини тилга олиш нокулай,
уммописм деб хисобланиши маъноси аниқ
бўлмаган олмош, олмошлашган
сўзлардан звфемистик воситалар
оифатида фойдаланишга олиб келади.
Кишига унинг исммини айтмасдан
мурожаат этиш дунёдаги қўпгина
ниппатларда жумладан, шор ва
забҳалларда ҳам жуда кенг тарқалган. Бу
одатнинг халқимиз қадим үтмишида
ураган ва ҳозирда учровчи турли-туман
шакллари ҳақида этнографлардан
Н.Т.Диренкова, И.И.Иброҳимов,
С.И.Абрамзон, Я.Х.Акоба, Я.С.Смирнова,
С.Д.Лицислан, Ю.В.Ионова,
С.Ш.Таджиева, Э.Бегматов ва бошқалар
ончкарли фикрларни баён қилишган.

Бизнинг турли бадийи асарлар
доирасида олиб борган
күзатишларимиздан маълум бўлдики,
кейинги йилларда ўзбек оиласларида эр-
хотинлар бир-бирларига қуидаги ўндан
зотик кўринишда мурожаат этар экан: 1)
бадаси, аяси, онаси сўзларидан
фойдаланиб; 2) ўз исмлари орқали: а)
исмни тўлиқ айтиб: (*Кумуш биби, Раъно,*
Робия, Салима каби); б) исмини
тискартириб: (*Гули, Дили, Мино, Фоти*
иб); 3) азизим, хоним, бегим
сўзларидан фойдаланиб; 4) жинси,
социал муносабатини инобатга олиб:
 хотин, хотинжон, эр, эржон каби; 5)
зўйлар эрларининг исмига ака сўзини
кишиб: (*Азим ака, Шароф ака, Ҳомид ака,*
Собир ака каби); 6) касби, лавозимига
ишора қилган ҳолда (*Домла, Үртқок*
дириектор, Раис тоға, Банкирим, Богча
ола, *Муаллим каби); 7) турли олмошлар*
ердамида: (у, бу, у киши, бу киши каби);
8) исми, отасининг исмини айтиб: (*Собир*
Абдуллаевич, Ирода Каримовна, Анора
Набиевна каби); 9) ундов ва модал
сўзлардан фойдаланиб: ҳой, ҳей, эй каби;

10) хүжайин, жүра, дүст, ўртоқ, ошиа
кабилар.

Исмини айтишни ман этиш одати туркман ва қозоқларда, тојик ҳамда киргизларда ҳам бор. Шунингдек, корейс аёли эрига мурожаат этар экан, унинг исми ўрнида «фалончининг отаси», араб, украин аёли «у», қоранүғай ва рус аёли «отаси», «онаси», «эй», «уй» каби сўзларни қўллайди [4,28]. Кишига унинг исмини атамасдан мурожаат этиш дунёдаги кўпгина миллатларда, жумладан, шор ва абхазларда, арман ва корейсларда, грузин ва озарбайжонларда, қумик ҳамда туркманиларда жуда кенг тарқалган. Абхаз эр-хотинлар бир-бирини биринчи шахсада «менинг эrim» ёки менинг хотиним» деб змас, балки кўплиқда «бизнинг хотин», «бизнинг эр» деб аташади.

Мулоқотни мурожаат шаклларисиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам бу мавзу тилшуносликда лингвистик аспектда атрофлича ўрганилган. Хусусан, С.Мўминов, Ш.Искандарова, З.Акбароваларнинг докторлик ва номзодлик диссертацияларида шаклларининг ижтимоий моҳиятига алоҳида эътибор каратилган [7.8.9].

Дискурсда мурожаат қилинган, ундалган шахснинг ифодаси бўлган сўзлар мурожаат шакли ҳисобланади. Сўзловчи ёки ёзувчи инсонда мавжуд бўлган хусусиятларни баъзан ҳайвонлар, паррандалар каби жонли предметларга кўчиради. Шу жонли предметларнинг ифодаси бўлган сўзлар мурожаат шакллари бўлиб келади. Мурожаат шакллари шахслар, жонли ва жонсиз предметларга қаратилган бўлади. Киши исмлари асосидаги мурожаат шакллари жонли ва жонсиз предметларга қаратилган мурожаат шаклларига нисбатан кўп учрайди. Антропонимик мурожаат жонли ва жонсиз предметларга қаратилган мурожаат шаклларидан фарқли равишда ёзма нутқдагига қараганда оғзаки нутқда кўп қўлланилади. Мурожаат шаклларининг оғзаки нутқда кўп қўлланиши сўзловчининг тингловчи билан бўлган муносабатига боғлиқ. Мурожаат шакллари кўпроқ сўзлашув бадиий, публицистик дискурсларда.

қисман расмий-идоравий услугда кўлланади. Илмий услугда мурожаат шакллари, деярли, учрамайди. Расмий дискурсда мурожаат шакллари сўзловчи нутки қаратилган шахсни ифодалайди. Бадий, публицистик, сўзлашув мулокот жараёнида эса мурожаат шаклларининг жонли ва жонсиз предметларга қаратилиши нутқининг эмоционал экспрессивлиги учун хизмат қиласди. Замонавий социолингвистика – синхрон, яъни айни вақтда мавжуд бўлган ва диахрон, яъни вақт ўтиши билан алмашиниб турувчи ходиса [10,42] эканлиги тилшунос олимлар томонидан таъкидланган. Худди шу ходиса ўзбек мулокот хулқидаги антропонимик мурожаат шаклларидағи диахрон (диахрон грекча сўз бўлиб, «диа» – орқали, «хронос» – вақт деган маънени билдиради) кўринишлар [10,48], кўпроқ, бизгача етиб келган манбалар ёки тарихий асарларда кузатилади. Бу каби шахсга йўналтирилган мурожаат шакллари воқелик даврига мос ҳолда қўлланилади. Хусусан, тарихан «ҳожи бобо», «бой ота», «бой бува», «тақсир», «бўтам», «ҳазрат», «эшон почча», «мулла ака» каби мурожаат шакллари.

Бугунги кунда ўзбек оиласарида шахсга йўналтирилган мурожаатларда исмларга қўшимча тарзда ҳурмат, эркалаш, кичрайтириш маъноларини ифодаловчи қўшимчаларни қўшиб айтиш одати кузатилади. Жумладан, катта ёшдаги эркак адресатга нисбатан -жон, -хон, -хўжа, -ҳожи (ҳажга бориб келганларга нисбатан), -бек, -бой, -тўра; кичик ёшдаги адресатларга нисбатан эса -той, -шер, -ча, -чик каби қўшимчаларни қўшиб мурожаат қилинади. Аёл адресатларга исмга мос келадиган қўшимчалар қўшиб мурожаат қилинади: -хон, -ой, -гул, -нисо каби. Баъсан эса ману шу индикаторлар аёл адресат билан адресант ёшининг фарқланишига қараб ҳам турлича кўринишларни олади. Кичик ёшдаги адресант катта ёшдаги аёл адресатга мурожаат қилганда, адресат исмiga -хон, -ой, -гул қўшимчаларидан ташқари она, ая, хола, амма, эна, момо каби қариндош-уруг номларини

ифодаловчи сўзларни қўшиб айтиди Ойгул ая, Раъно опа, Нигор ҳола, Фотима амма, Кумри момо, Ҳадиҷа энз каби. Нотаниш кишиларга лафозни вазифа, касб-кор билдирувчи сўзлар орқали мурожаат этишда ҳам диалекция фарқлар кузатилади. Жумладан Фарғонада ўрта мактаб ва олий таълими соҳасидаги кишилардан ташқари, ташқару кўринишидан зиёли эканлиги билинади, турган нотаниш эркак кишига «домана» деб мурожаат қилинса, Самаринади Қашқадарё томонларда бу сўз аёл Марғилонда 25-30 ёшдан юқори бўлгач нотаниш эркак кишига «кори ағза «таксир» деб мурожаат этиш табиият ҳоли саналса, республикамизнинг бошади ҳудудларида бундай мурожаат нотабиийдек туюлиши, хатто баъзи бир адресатларнинг кайфияти бузилиши мумкин.

Адресант ва адресат ўртасидаги мулокот жараёни мурожаат босқичида ҳамда ана ёш мурожаат босқичида адресант нутқи қўлланган мурожаат шаклларидан адресатнинг қайси ижтимоий гурӯҳ вақти эканлиги сезилиб туради. Ваҳоланади, ҳарбийлар нутки соғ эркакча овоғи фонацион салобатни талаб этади ва улар нутки бошқа касб эгалари нутқидан кесони фарқланиб туради. Ҳарбийлар мулокот хулқига эътибор берилганда, улардаги мурожаат шакллари бошқа касб эгалари мулокот хулқидаги мурожаат шаклларидан ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради. Яъни, «ҳар бир соҳада мулокот ўз қонуниятларига, ўз хусусиятларига эга. Шунинг учун таътурли хил соҳа ходимлари ўзларини соҳасига хос хусусиятларни ўзлаштириб олишади-да, баъсан ундан чиқиши қийналишади. Чунки соҳадаги кўлгач мулокот меъёрлари эталонга айланади, қолади ва соҳа ходимлари фаолиятида улар ҳаракатларида одат тусига кирб қолади».

Ҳарбийлар нутқидаги мурожаат шаклларида миллийлиқдан кўра расмий эканлиги билан кўзга ташланади. Бу ўзбек згалари кўпроқ адресатга ҳарбий ўзбек

тилиниң оқынушылык
жыныса ўртоқ сүзини құшиб мурожаат
шаптады: « Ўртоқ генерал, мурожаат
шаптаса рухсат этинг!
Еки унвон номларига
фамилияларини құшиб мурожаат
шаптадылар: - Сержант Орзукулов!...
Харбийлар мулокот хулқидаги
иірода шакллари «Низом»да
«Низом» буйича мурожаат маданияти
шаптадылар. Яъни сўзловчи «Низом»да
шаклларни тартибда амалга оширилади.
Харбийлар мулокот хулқидаги
шаклларида амалга оширилади. Яъни сўзловчи «Низом»да
шаклларни тартибда қадам ташлаб
холда ўнг кўлиниң кафтини текис тутган
холда ўнг чаккасига текизиб («честь»
берган ҳолда) қаддини ғоз тутиб
тилиловчига мурожаат қиласди.
Ўзбек мулокот хулқига хос бўлган
мурожаат шаклларидаги новербал
шаклларда ҳарбийлар мурожаат
шаклларидан, асосан, кузатилмайди. Бу
кебз эгаларининг мурожаат шаклларидан
тап курилиши қисқа, лўнда, аниқ маънога

зга бўлиб, адабий тип услубининг расмий
услубига хослиги билан ажрапади

- Бажарамиз! Ўртоқ лейтенант!

- Кетишига рухсат этинг, ўртоқ
капитан!

- Кетишишгиз мумкин, аскар
Холматов!

Ҳарбийлар нутқидаги мурожаат
шаклларida бўйруқ гап оҳангига кўпроқ
кузатилади. Мурожаат этишда овоз
тонининг баланд пардада айтилиши ҳам
ҳарбийлар нутқига хос анъана.

Мурожаат шаклларининг касб-кор
жихатдан хосланишини кузатадиган
бўлсак, ҳар бир шахс ўзининг қизиқиши
асосида касб-ҳунар тәнлаб ва шу
қизиқиши йўлида ўз маҳоратини
оширишга ҳаракат қиласди. Ўз касб-
ҳунарига оид билим ва қўниқмалар ҳосил
қиласди. Шунингдек, ўзини руҳий жихатдан
ҳам тайёрлайди. Персонажлар нутқидаги
мурожаатлар касб номлари, меҳнат
қуроли номлари, миллат номи каби
шаклларни құшиб келтириш мумкин.

Адабиётлар:

1. Раупова Л.Р. Диалогик нутқининг дискурсив талқини. – Т.: Фан, 2011.
2. Хохьев А. Лингвистик терминларнинг изохли луғати. – Т.: Ўқитувчи, 1985.
3. Омонтурдиев А. Чорвачиликка оид сўз ва атамаларнинг қисқача тематик эвфемик луғати. – Т., 2015.
4. Бектатов Э. Номлар ва одамлар. – Т.: Фан, 1996.
5. Имом Бухорий. Адаб дурдоналари. – Т., 1990.
6. Қоҳҳорова К. Чорак аср ҳамнафас. – Т., 1987.
7. Мўминов С. Ўзбек мулокот хулқининг ижтимоий-лисоний ҳусусиятлари: Филол. фан. д-ри ... дисс. – Т., 2000.
8. Исқандарова Ш. Ўзбек нутқ одатининг мулокот шакллари: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Сибирланд, 1993.
9. Ахбарова З. Ўзбек тилида мурожаат шакллари. – Т.: Akademnash, 2015.
10. Бондалетов В.Д. Социальная лингвистика. – М.: Просвещение, 1987.

(Тақризчи: Ш.Искандарова – филология фанлари доктори, профессор)